

Солиҳа жориянинг сабоғи



09:00 / 17.10.2020 2697

Муҳаммад ибн Абулфараж айтади: «Рамазон ойида менга таом тайёрлайдиган хизматкор керак бўлиб қолди. Бозорда ранги сўлғин, озғин ва нимжон бир жорияни кўрдим. Унга раҳмим келиб, хизматкор қилиб олишга қарор қилдим. Уни уйга олиб келиб, «Бир идиш ол, мен билан бозорга борасан. Рамазонга керакли нарсаларни сотиб оламиз», дедим. У менинг гапларимдан ҳайрон бўлиб, «Хожам, мен ҳар дами Рамазон бўлган одамлар ичида эдим», деди. Бу гапидан унинг солиҳалардан эканини билдим. Ҳақиқатан ҳам, у Рамазоннинг барча кечаларида бедор бўлиб, ибодат қилиб чиқди. Ҳайит кечаси (арафа кечаси) унга: «Юр, бориб ҳайитга бозорлик қилиб келамиз», дедим. У: «Хожам, ҳайитга қандай эҳтиёжлар бор? Оддий одамларнинг эҳтиёжими ёки хосларнинг эҳтиёжими?» деб сўради. Мен унинг гапини унча илғай олмай, «Бу икки хил эҳтиёж қандай бўлади, тушунтириб бер-чи?» дедим. «Хожам, оддий одамларнинг (авомнинг) эҳтиёжи оддий таомдир. Хосларнинг эҳтиёжи эса халқдан ажралиб чиқиш, узлат, хизмат қилиш учун бўш вақт топиш, ибодат билан Аллоҳга яқин бўлиш, ўзини хор тутганлар каби камтар бўлиш», деди. Мен таомга эҳтиёжим борлигини айтдим. У бўлса: «Қайси таомни айтяпсиз? Жисмнинг таомими ёки қалблар таомими?» деб сўради. Мен яна: «Улар қандай бўлади?» дедим. У деди: «Жисмнинг таоми кундалик озиқ-овқатлар. Қалбнинг таоми эса гуноҳларни, кибр ва манманликни тарк қилиш, айбларни ислоҳ қилиш, Аллоҳга қайтиш ва У Зотга махфий таваккул қилишдир». У мени ушбу жавоби билан лол

қолдириб, хушуъ ва хузуъ билан намоз ўқиди. Намозни тугатар-тугатмас жони узилди. Аллоҳ раҳматиға олсин».

«Солиҳлар гулшани» китобидан